

ҚУРҒОҚЧИЛИК ВА ИССИҚҚА ЧИДАМЛИ КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТИЗМАЛАРДАН ЯНГИ НАВ ЯРАТИШДА ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ

Азимова М. , Рахимова Ш. (ҚарМШИ)

Табиий иқлим ва тупроқ шароитларига кўра Ўзбекистон азалдан ер шарида деҳқончилик учун энг қулай минтақалардан бири бўлиб келган. Республикамиз асосан пахта етиштириб берувчи минтақа ҳисобланади. Мустақилликдан сўнг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тизими ўзгариб, пахта яққа ҳокимлигига барҳам берилди. Дон мустақиллигига эришиш асослари яратилди. Серҳосил, тезпишар, интенсив буғдой навлари уруғлари чет мамлакатлардан келтирилиб, экин майдони суғориладиган 1.310 минг гектарга, лалмикор майдонлар билан эса жами дон экинлари майдони 1,5 миллион гектарга етди.

Республиканинг суғориладиган майдонларида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида ташкил қилинди. Ҳосилларни кўпайтириш, танлаш ва синов ишлари ҳар бир вилоятда амалга оширилмоқда. Дон экинлари етиштириш технологиясини суғориладиган майдонларда илмий асосда ўрганиш бугунги кун талабидан келиб чиқади. Узоқ вақтлар давомида бизда буғдой катта майдонларда экилмагани сабабли, бугун ҳар бир деҳқон ва фермер ўз ерларидан донли экинлардан жаҳон дончилиги микёсидагига қараганда кам ҳосил олмақда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ғаллачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. 2013 йилда бошоқли дон экинларининг ялпи ҳосили 7 млн. 610 минг тоннани, ҳосилдорлик эса 55 ц.ни ташкил этган бўлса, жорий йилда республикамиз ғаллакорлари уйган хирмон 8 млн. тоннадан ошиб кетди. Ўзбекистонда буғдойнинг икки турига мансуб навлари экилади. Буғдойзорларнинг асосий қисмида юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum*), жуда оз қисмида қаттиқ буғдой (*Triticum durum*) етиштирилмоқда. Қаттиқ буғдой дони макарон ва макарон маҳсулотлари тайёрлашда ҳамда кондитер саноатида ишлатиладиган асосий ҳом ашёдир. Товар қаттиқ буғдойнинг харид баҳоси юмшоқ буғдойники каби 1-2-3-4 синф бўйича белгиланади.

Дон экинлар кунғирбошлар (*Poaеае*) оиласига мансуб бўлиб, ер шарида кўп тарқалган ботаник тур ҳисобланади.

Ер шарида бу ўсимликлар турли хил катталиқда учрайди, буйининг баландлиги 2 см дан бир неча ун метргача бўлади, купчилик турларда ер устки қисми ўтсимон, айримларида бута ва дарахтсимон ҳолда учрайди. Ралласимон ўсимликлар туплаган ҳолда, чим ҳосил қилиб попул илдизлар билан ўсади. Ралласимон ўсимликлар 500 га яқин авлоди бўлиб 6 мингдан зиёд тури бор.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда юмшоқ буғдой экиладиган майдоннинг салмоғи жуда кўп. Етиштирилган дон республика эҳтиёжларини қоплайди. Республикамизда уни етиштириш учун қулай бўлган Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва лалмикор минтақаларда кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки бу минтақаларнинг ҳавоси қуруқ ва иссиқ, фотосинтетик радиация юқори, самарали ҳарорат йиғиндиси ҳам кўп бўлиб, буғдой донидаги оксил, клейковина микдори, умуман, дон сифатининг юқори бўлишига таъсир кўрсатади. Қаттиқ буғдой юмшоқ буғдойга нисбатан гармсел, ҳавонинг қуруқлиги, қурғоқчилик, юқори ҳароратга чидамли бўлади. Республикамизнинг турли тупроқ иқлим шароитларида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари бажарилган. (Т.Ходжакулов (1994), Б.Ҳалиқов (2002), С.Абдурахмонов (2003), А.Иминов (2004), Ш.Абдурахимов (2005), Ш.Ҳакимов (2006), Р.Сиддиқов (2007)). Лекин, Қашқадарё вилоятининг тупроқлари шароитида маҳаллий ва четдан келтирилган кузги буғдой навларининг экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларига бўлган талаби ҳамда унинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил

элементлари, дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсир этиши, иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамлилиги ўрганилмаган.

Изланишлар Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида кузги юмшоқ бўғдойнинг коллекция нав намуналари орасидан иссиққа, қурғоқчилик, ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли, ҳосилдор эртапишар намуналарни аниқлаб, чапиштириш ишларига жалб этиш, олинган дурагай тизмаларни ўрганиш орқали республика минтақалари учун серҳосил, сифатли, қурғоқчилик ва иссиққа чидамли кузги юмшоқ бўғдой навларининг қимматли хўжалик белгиларини ўрганишга қаратилди. Олиб борилган тадқиқот натижасидан белгилар бўйича танланган нав ва тизмалардан янги нав яратишда фойдаланиш мумкин.

Тажриба давомидаги фенологик кўзатувлар, ҳосилдорлик ва лаборатория шароитида бошоқ узунлиги (см), 1000 та дон вазни (г), дон ҳажми, дон таркибидаги оксил, клейковина миқдори, ИДК аниқланди.

Фенологик кўзатиш бўйича ривожланиш фазаларининг бошланиши (10-15 фоиз) ва тўлиқ (75 фоиз) ўтиши ойнанинг қайси кунига тўғри келиш санаси махсус журналга ёзиб борилди. Экинлар ҳар куни кузатилди. Навларни экиш, пишиш муддатлари ҳам ҳисобга олинди. Шулар асосида ва ўрганилган навлар айрим ривожланиш фазалари орасидаги даврларнинг (фазалараро давр) давомийлиги асосида вегетация даври ҳамда тезпишарлиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, стандарт нав Gerek билан Mufitbey, нави оралиғида 12 кун, KARANAN-99 навига нисбатан 16TH IWWYT-SA-17 2 кун, 16TH IWWYT-SA-4 3 кун кеч пишганлиги, 16TH IWWYT-SA-7 нави 2 кун эртачи 16TH IWWYT-SA-24 нави 3кун эртачи пишганлиги ва қолган навлар бир вақтда эрта пишганлиги кўзатилди

Ўрганилган 36 та нав намуналарида ўсимлик бўйи 98см дан 106 см гача эканлиги кўзатилди.

Ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги ва ҳосилдорлик

1-жадвал

№	Номи	Бошоқ узунлиги, см			Ўсимлик бўйи, см			Ҳосилдорлик
		I	II	Ўр	I	II	Ўр	Ўр
1	GEREK	10	10	10	84	88	86	34,9
2	MUFITBEY	9	9	9	90	86	88	31,0
3	KARANAN-99	9	11	10	88	88	88	33,0
4	SONMEZ01	11	9	10	96	100	98	43,6
5	YAKSART	7	9	8	70	70	70	37,1
6	16TH IWWYT-SA-1	12	10	11	78	83	81	36,1
7	16TH IWWYT-SA-2	12	10	11	87	90	86	44,1
8	16TH IWWYT-SA-3	8	10	9	90	85	87	39,3
9	16TH IWWYT-SA-4	9	11	10	75	81	78	50,3
10	16TH IWWYT-SA-5	8	8	8	84	86	85	47,9
11	16TH IWWYT-SA-6	12	12	12	90	90	90	46,7
12	16TH IWWYT-SA-7	9	11	10	88	98	93	43,4
13	16TH IWWYT-SA-8	10	8	9	88	86	87	51,7
14	16TH IWWYT-SA-9	10	8	9	80	74	77	42,4
15	16TH IWWYT-SA-10	13	11	12	83	85	84	43,5
16	16TH IWWYT-SA-11	11	10	10	84	84	84	48,9
17	16TH IWWYT-SA-12	11	12	12	103	87	95	47,7
18	16TH IWWYT-SA-13	9	9	9	95	78	79	46,6

19	16TH IWWYT-SA-14	9	9	9	82	76	79	49,3
20	16TH IWWYT-SA-15	10	12	11	100	85	93	45,2
21	16TH IWWYT-SA-16	11	9	10	92	92	92	43,4
22	16TH IWWYT-SA-17	10	9	9	88	83	87	44,0
23	16TH IWWYT-SA-18	9	9	9	95	106	101	47,9
24	16TH IWWYT-SA-19	10	12	11	86	94	90	41,0
25	16TH IWWYT-SA-20	11	11	11	98	98	98	39,4
26	16TH IWWYT-SA-21	11	11	11	88	90	89	42,2
27	16TH IWWYT-SA-22	10	10	10	88	84	86	41,5
28	16TH IWWYT-SA-23	10	10	10	86	88	87	45,3
29	16TH IWWYT-SA-24	8	8	8	100	90	95	33,5
30	16TH IWWYT-SA-25	10	12	11	84	80	82	40,1
31	16TH IWWYT-SA-26	8	8	8	81	83	82	37,8
32	16TH IWWYT-SA-27	10	8	9	85	80	83	41,7
33	16TH IWWYT-SA-28	9	9	9	73	71	72	44,5
34	16TH IWWYT-SA-29	10	10	10	90	86	88	31,2
35	ALIYA	9	9	9	93	84	89	34,5
36	BAYRAKTAR 2000	9	9	9	96	96	96	34,1

Энг юкори ҳосил берган 16TH IWWYT-SA-8 навида ҳосилдорлик 51,7 ц/га ўсимлик бўйи 87см, бошоқ узунлиги 9 см, 16TH IWWYT-SA-4 навида ҳосилдорлик 50,3 ц/га ўсимлик бўйи 78 см, бошоқ узунлиги 10, см, 16TH IWWYT-SA-5 ва 16TH IWWYT-SA-18 навида ҳосилдорлик 47,9 ц/га, ўсимлик бўйи 85 ҳамда 101 см, бошоқ узунлигиэса 8 ва 9 см, 16TH IWWYT-SA-16 навида ҳосилдорлик 43,4 ц/га ўсимлик бўйи 92 см, бошоқ узунлиги 10 см, 16TH IWWYT-SA-15 навида ҳосилдорлик 45,2 ц/га ўсимлик бўйи 95 см, бошоқ узунлиги 11 см, 16TH IWWYT-SA-28 навида ҳосилдорлик 44,5 ц/га ўсимлик бўйи 72 см, бошоқ узунлиги 9 см эканлиги ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д. Ёрматова, Н.Шамуратов “Донли экинларни етиштириш технологияси”. “АЛ-Ф АБА-СЕРВИС” босмаҳона, 2008 йил.
2. М.Х.Ҳақимова, М.Азимова, А.Қаршиев- “Иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли буғдой навларининг жанубий ҳудудларда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги”. Қарши 2015й.
3. Интернет маълумотлари.  LexUZ шарҳи